


Ислоннинг ахлоқи ҳаёдир



16:00 / 07.03.2023 15423

Маҳрамлар ўртасида саломлашиш билиттифоқ жоиз, балки лозим. Бунда ҳам юқорида ўтган тартибга риоя қилинади: ўғил онага, жиян холага, аммага, ука опага салом беради. Қиз отага, амакига, тоғага салом беради, ва ҳоказо. Шунингдек, эр-хотиннинг бир-бирига салом бериши ҳам суннат.

Аммо бир-бирларига маҳрам бўлмаган эркак-аёлларнинг саломлашишига келсак, бу ҳам аслида жоиз, шарти – ўртада фитна келиб чиқиш хавфи бўлмаслиги керак.

Асмо бинти Язид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимдан ўтиб қолдилар, мен ўзим тенгқур аёллар билан ўтирган эдим, у зот бизга салом бердилар ва: «Валинеъматларга ношукрликдан эҳтиёт бўлинглар!» дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бизда бир кампир бор эди, у қанд лавлагини олиб, қозонга солиб, арпани янчиб аралаштириб қўяр эди. Биз жумани ўқиб қайтаётганимизда унга салом берар эдик. У бизга ҳалиги таомни тортиқ қилар эди».

Бухорий ривоят қилган.

Бу икки ҳадисдан эркак кишининг номаҳрам аёлларга салом бериши жоизлиги келиб чиқади.

Умму Ҳоней розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Фатҳ куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борсам, у зот ғусл қилаётган эканлар. Фотима эса у зотни тўсиб турган экан. Мен салом бердим...».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Бу ҳадисдан аёл кишининг номаҳрам эркакка салом бериши жоизлиги келиб чиқади.

Имом Нававий айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитнадан омонда бўлганлари учун аёлларга салом берганлар. Кимда-ким фитнадан омонда бўлишига кўзи етса, унинг ҳам аёлларга салом бериши жоиз. Лекин ўзига ишонмаса, салом бермагани афзал. Шунингдек, фитна хавфи бўлмаса, аёлнинг эркак кишига салом бериши ҳам жоиз». Шу боис, кампирларга, бир жамоа аёлларга салом беришда танглик бўлмайди, чунки бунда фитнанинг хавфи йўқ. Аммо ёлғиз кетаётган ёш аёлга номаҳрам кишининг салом бериши дуруст эмас.

Демак, номаҳрам эркак ва аёлларнинг саломлашишидаги асосий шарт фитна келиб чиқиш хавфи бўлмаслиги экан. Бу ерда фитна деганда аввало эркак ёки аёлда шахвоний майлнинг уйғониши, улардан бирида бирор ёмон ҳаёлнинг пайдо бўлиши назарда тутилади. Эркак киши бегона аёлга салом берганда агар ўзида ёки салом берилган аёлда майл уйғонишидан ёки унинг нотўғри гумонга боришидан қўрқса, салом бермайди. Шунингдек, аёл киши ҳам бегона эркакка салом беришда ушбу эҳтиёткорликни ушлаши лозим. Шу боис, уламолар ёш қизлар номаҳрамларга салом бермаслиги керак, дейишган.

Шу билан бирга, эркак киши бегона аёлга салом берганида унинг эри ёки маҳрамларининг рашк қилишини ёки ёмон гумонга боришини билса, салом бермайди. Аёл киши ҳам агар бегона эркакка салом бериши ёки алик олишидан эри рашк қилишини билса, салом бермаслиги ва алик олмаслиги лозим. Шунингдек, агар аёл кишига бирор бегона эркак шахвоний майл

турткиси билан салом берса, аёл алик олмайди, бунда унга гуноҳ йўқ. Худди шунингдек, эркак ҳам бегона аёлнинг ана шундай саломига алик олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бу борада ҳар бир эркагу аёл эҳтиёткор бўлиши, одоб ва ҳаё асосида иш кўриши лозим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ҳар бир диннинг ўз ахлоқи бор. Ислоннинг ахлоқи ҳаёдир», деганлар.

«Ҳилол» электрон журналидан олинди